



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 17 февраль, № 33 (6468) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Парламент кўйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар дастлаб сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида муҳокама этилиб, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган эди. Мажлисида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳисобот билан сўзга чиқди. Давлатимиз раҳбари янги қақирмада парламентнинг кўшма мажлисида алоҳида таъкидлаган эдиларки, конституциявий

ислохотлардан келиб чиққан ҳолда, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан, қабул қилинаётган қонунлар, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожланишнинг энг муҳим давлат дастурлари сўзсиз ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича Олий Мажлис палаталарининг ва биринчи навбатда, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг ишлари сифат жиҳатидан янги асосда ташкил этилиши керак. Таъкидландики, инсон

ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини тақомиллаштиришга кўмаклашиш, уларга риоя этилиши мониторингини амалга ошириш, фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш, аҳолининг ва давлат органлари вакилларининг ҳуқуқий онги ва хабардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш ҳисобот йилида Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари бўлди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН



Япония матбуот марказида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг барча соҳадаги ютуқлари Япония жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди

Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси ҳамда “Япония — Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Кунҷиқар юрт парламенти ва ҳуқуқати аъзолари, вазирлик ҳамда идоралар, ижтимоий, илмий, ишбилармон доиралар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Улар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритган муваффақиятлари билан кўнрақ танишдилар.

2015 йилда мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этил-

ган “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури натижалари ҳамда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилинган жорий йилда ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар ҳақида ҳам атрафлича фикр юритилди. Унинг доирасида ўзбек миллий либослари намуналарининг кўргазмаси, концерт дастури ўтказилди. “Япония — Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси президенти Нобухико Шима мазкур тадбир ташкил қилинганидан жуда мамнунлигини билдирар экан, мамлакатлар ўртаси-

даги ўзаро манфаатли алоқалар изчил ривожланиб бораётганини қайд этди. У Япония Бош вазир Шиндзо Абэнинг 2015 йил октябрда Тошкентга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида муҳим воқеа бўлгани, унинг якунлари бўйича с а в д о - с а р м о я в и й, энергетика, илм-фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан кўпгина ҳужжатлар имзоланганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар,

хабарлар



Тежамкор бошқарув тизими

Сирдарё

Ўтган йили Ховос туманидаги “Ховосдон” акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи 10,2 фоиз арзонлашди. Қолаверса, ана шу даврда жами 20 миллиард сўмликдан зиёд озиқ-овқат товарлари тайёрланиб, бу борада ҳам сезиларли ўсишга эришилди.

Жамоанинг бундай муваффақиятлари корхонада олиб борилган техник ва технологик янгиликлар самарасидир. Хусусан, тегирмон цехи замонавийсига алмаштирилган, маҳсулот сифати янада

яхшиланиб, сарф-харажатлар қискарди. Айни пайтда бу ерда автоматик бошқарув тизими жорий қилинган. Бинобарин, жамиятнинг иккита нон, омихта ем тармоқлари ҳам шу усулда фаолият юрятапти. — Жорий йилда яна бир корхонани ишга туширамиз, — дейди жамият бош иқтисодчиси Нуриддин Норматов. — Унда энг илгор усуллар воситасида ем ишлаб чиқарилади. Пировардида худудимиздаги балиқчилик хўжаликлари буюртмаларини бажариш имконига эга бўламиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кредит ҳисобига янгиликлар

Сурхондарё

Узун туманидаги “Surxon sup milk” хусусий корхонасида ўтган йили 200 тоннадан зиёд суг қайта ишланди. Эндиликда жамоа тadbirkorлигининг бошқа йўналишларида ҳам фаолият кўрсата бошлади.

— Технологияларимиз унумдорлиги юқори, — дейди кичик бизнес субъекти раҳбари Холисон Дўсматов. — Шу билан бирга, энергия сарфи жуда кам. Ишга туширилган янги линиялар орқали 8 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Олинаётган фойда тармоқларни кенгайтиришга йўналтирилаяпти. Корхонамиз қошидаги цехда замонавий дастгоҳлар ёрдамида сифатли нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётир. Банкнинг 50 миллион сўмлик кредити ҳисобига 40 хилдаги тикиш жараёнини бажардиган “Juki” русумли тикув машиналарини харид қилиб, ўқув маркази фаолиятини йўлга қўйдик. Натижада 20 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Бу ерда ёшлар чеварлик сирларини ўрганиш баробарида, буюртма асосида турли либослар ҳам тикишмоқда.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илк экспорт амалиёти

Андижон

Жалақудуқ туманининг Ойим қишлоғидаги “Кўргонтекс” масъулияти чекланган жамияти тўқувчилари хоржининг дастлабки буюртмасини бажаришга киришди.

Бу — Миллий банк кўмағида амалга оширилган амалиёти соғломлаштириш тадбирларининг натижаси. Шу кунгача ип йиғириш цехи

тўла ишга туширилди. Тўқув ва бўяш цехидаги технологик линиялар ҳам қайта ҳаракатга келтирилмоқда. Мухими, бу ерда йиғирма кишининг бандлиги таъминланди. Ил охирига қадар жамоа аъзолари сони 600 нафарга етди. Шу билан бирга, болалар ва катталар учун трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

Саидхон ШУКУРОВ,



МУНОСАБАТ

Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги ййғилишида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, уни давлат сиёсати даражасига кўтариш мақсадида олиб борилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омили

Жумладан, Юртбошимиз фарзандларимиз биз учун мутлақо янги бўлган бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис, таэквондо, дзюдо, каратэ, ватерпол, эшак ашиш каби спорт турлари бўйича мунтазам шугулланаётгани, китъа ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, юқори шохсуларга кўтарилаётгани ҳар қандай одамни ҳайратда қолдираётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, юртимизда мустақилликнинг илк йилларида ноқ миллат генофондини яхшилаш, баркамол авлодни вояга етказишнинг асосий воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилаяпти. Бундай гамхўрлик оғушида болаларимиз ҳар томонлама

соғлом, мустаҳкам иродали бўлиб вояга етмоқда. Бугунги кунда профессионал спортчиларимиз сафида хотин-қизлар сони тобора кенгайиб бораётгани, Ўзбекистон спорт мамлакатини, ёш авлодга гамхўр давлат, деган эътирофларга сазовор бўлаётгани бу борада олиб борилаётган амалий ишларнинг яққол исботидир. Чунинчи, 2015 йилда 1 минг 668 нафар спортчи, жумладан, 567 нафар қиз 165 та халқаро мусобақада қатнашиб, 983 та медални қўлга киритгани ҳар биримизга чексиз фахр бағишлайди.

Албатта, бунда болалар спортини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилиб, йилдан-йилга тақомиллаштириб борилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

КИЧИК БИЗНЕС ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ



Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ҳамда хусусий тadbirkorлик республикамиз тараққиётида муҳим ўрин тутиши, аҳолини иш билан таъминлаш ва халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш омили эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Бунинг амалий самараси юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар халқаро ташкилотлар томонидан муносиб эътироф этилаётгани ҳам кўзга яққол ташланади. Масалан, ўтган йили Жаҳон банки эълон қилган “Бизнес юритиш” рейтингинида Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғона кўтарилиб, 87-ўринни эгаллагани фикримиз тасдиқидир.

Бу борада Хоразм вилоятида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбир-

лар ҳам эътиборга молик. Чунинчи, кейинги ўн беш йилга қиёслаганда, воҳа ялпи худудий маҳсулотидида кичик бизнеснинг улуши 34,2 фоиздан 74,1 фоизга, саноат товарлари тайёрлашда эса 24 фоиздан 35,3 фоизга кўпайгани, шу билан бирга, аҳолининг хусусий сектордан олган даромадлари улуши кейинги беш йилда 55,4 фоиздан 56,9 фоизга ўсгани қувонарлиқдир. Бундай ижобий натижалар қўлга киритилишида ўтган йили вилоятда тижорат банклари томонидан соҳа вакилларига 494 мил-

лиард сўм, бошқача айтганда, 2014 йилдагига нисбатан 118 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилгани алоҳида аҳамият касб этди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлиқни ишончли ҳимоя қилиши таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида барча турдаги рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, турли давлат хизматларидан фойдаланишни янада кенгайтиришга эришилаяпти. Айниқса, мазкур ҳужжатга мувофиқ, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурда “бир дарча” тамойили асосида 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилгани ишбилармонларга қўшимча қулайлик яратаяпти.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Ўтган йили мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган

114 та янги совитиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди.



Бундай кенг қўламли ишлар йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бераётгани учун эътиборга сазовор.

WWW.XS.UZ

«Халқ сўзи» газетаси сайтида ўқинг

- Ватанга садоқат ифодаси
- Бебаҳо мерос ва чексиз эҳтиром
- Обод турмуш манзиллари



Ноанъанавий усул

Кашқадарё

Муборак туманида ноанъанавий усулда 7 та иссиқхона ҳужалиги ташкил этилди. Аҳамиятли томони, уларда мўътадил ҳароратни таъминлашда санот тармоқларига юборилган иссиқ сувнинг иккиламчи паридан фойдаланилган.

— Корхонамизда ҳосил қилинаётган бирламчи энергиянинг маълум қисми узатиш воситалари орқали ҳавога чиқиб кетади, — дейди Муборак иссиқлик маркази директори ўринбосари Кахрамон Назаров. — “Иккиламчи пар” деб аталадиган ушбу қувват эндликда махсус насослар ёрдамида иссиқхоналарга 80 даража ҳароратда узатилмоқда. Натижада ойнаванд экин далаларида муқобил энергиядан омилкорлик билан фойдаланилаётган.

— Иштиёримиздаги бир гектар ернинг ўн сотиқда помидор, қолган қисмида бодринг етиштирялган, — дейди “Наслиддин-Нуриддин” масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси Мансур Остонов. — Бунда иккиламчи пардан фойдаланаётганимиз қўл келмоқда. Натижада сарф-харажатлар тежаллиб, ноз-неъматлар таннархи арзонлашапти.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Икки баробар ўсишга эришилди

Самарқанд

Булунғур туманидаги “Афросиёб-мева” қўшма корхонасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари қайта ишланади. Ҳозир бу ерда йилга 16 минг тоннагача мева-сабзавотдан турли шарбат ва пюрелар тайёрлаш имконияти мавжуд.

Корхона мутасаддиларининг таъкидлашича, қўш нурига тўйинган олма, гилос, ўрик ва шафтолидан ишлаб чиқарилиб, бежирим идишларга қадоқланаётган табиий концентратларга ташиқ бозорда талаб ортиб бормоқда. Хусусан, “Афросиёб-мева” ёрлиги туширилган маҳсулотлар нафақат МДХ, балки Европанинг бир қатор мамлакатларига экспорт қилинаётган. Мазкур корхона томонидан ўтган йили 4 миллион 321 минг АҚШ долларлик маҳсулот чет элли харидорларга сотилди.

Умуман, Самарқанд вилоятида ўтган йили экспорт ҳажми 377,6 миллион долларга етказилди. Бу 2014 йилдагига нисбатан 2 баробар юқори кўрсаткичдир.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дастлабки босқичда муваффақият

Наманган

Косонсой туманида фаолият кўрсатаётган “Sofiya-sof tekstil” қўшма корхонаси истеъмол бозорига юқори сифатли маҳсулотлар етказиб бермоқда. У Жанубий кореялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, пахта толаси ҳамда жундан йирилган ип ва синтетик толадан мавсумбоп пайпоқлар тайёрлашга иқтисослаштирилган.

Ўтган йилнинг сўнгги чорагида бу ерга хориждан 20 та замонавий тўқув дастгоҳи келтириб ўрнатилди. Технологик воситалар синовидан кейин ўтган қисқа вақт давомида 500 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

— Бу лойиҳамизнинг биринчи босқичи, — дейди қўшма корхона раҳбари Мурадхон Кодиров. — Келгусидаги режаларимиз катта. Жумладан, ҳадемай яна 100 та тўқув ускунаси келтириб ўрнатишни мўлжаллашимиз. Шунда кунига 23 минг жуфт маҳсулот тайёрлаш имкони туғилади. Ўз навбатида, жамоа сафига яна 100 нафар мутахассис қўшилади.

Кудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инвестиция жалб қилинди

Қорақалпоғистон Республикаси

Ҳўжайли туманида бундан тўрт йил аввал ташкил этилган “Нурбек оқ олтин” масъулияти чекланган жамиятида автотранспорт воситалари учун аккумуляторлар тайёрлаш йўлга қўйилган эди.

Ўтган йили корхонага 2 миллиард сўмлик инвестиция жалб қилинган, унинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1200 донага кўпайди.

— Жорий йилда фаолиятимизни янада кенгайтириб, экспортни ҳам йўлга қўймоқчимиз, — дейди иш юритувчи Лочин Хожалепесов. — Шу мақсадда 1,5 миллиард сўмлик лойиҳани амалга оширишга ҳозирлик қўраймиз. Натижада қўшимча 25 та иш ўрни яратилади.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистоннинг барча соҳадаги ютуқлари Япония жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

— Япония ҳўкумати Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга устувор даражада эътибор қаратади, — деди Нобухико Шима. — Марказий Осие минтақаси марказида жойлашган Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳўкм сўраётгани, барча соҳада тараққиётга эришилаётгани катта қизиқишларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, республика макроеқтисодий кўрсаткичда барқарорлик мустаҳкамланаётгани хорижлик ишбилармонларни ўзига жалб қилаётган.

Чўнки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги мураккаб шароитда ишончли сармоваявий муҳит улар учун жуда муҳим. Бундай изчил сазў-ҳаракатларнинг натижаси ўларок, Ўзбекистонда хориж капитални тобора ўсиб бормоқда, уларнинг катта қисми ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилапти.

Майдзуру шаҳар мэри Риодзо Татами юртимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сўйсатнинг самарадорли-

ДЕПУТАТЛАР ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИНИ ЭШИТДИЛАР

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Фаолият Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси ва Сенатнинг кўмиталари, суд ва ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан яқин ҳамкорликда олиб борилди. Омбудсман, шунингдек, парламентнинг назорат-таҳлил тадбирларида қатнашди. Очқилиқ ва шаффофликни таъминлашда иштирок этиш, амнистия акти қўлланилишини мониторинг қилиш Омбудсман ва унинг ҳўудий вакиллари фаолиятида алоҳида ўрин тутди.

Омбудсманнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳўқуқларини тиклаш бўйича фаолияти «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳўқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»-ги, «Давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқилиги тўғрисида»-ги ҳамда «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги қўнунлар нормаларига қатъий мувофиқликда амалга оширилди. Фуқаролар Омбудсманга умумий ва электрон почта орқали, шунингдек, «ишонч телефони» орқали, шахсан қабул қилиш ва жойлардаги учрашувлар давомида мурожаат этишди.

Аҳолининг ҳўқуқий маданиятини ва мансабдор шахсларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида Омбудсман ҳисоботи йилида бир қатор ахборот-маърифий тадбирлар — семинарлар, тренинглар, давра сўхбатлари, конференциялар ўтказди, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларни ташкил қилди, ноширлик фаолиятида иштирок этди.

Омбудсманнинг халқаро ҳам-

корлигини ривожлантириш хорижий ҳамкорлар билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама асосдаги алоқаларни кенгайтириш йўли билан амалга оширилди.

Савол-жавоблардан кейин Омбудсман ҳисоботининг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди, муҳокама давомида барча сўйсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси вакиллари Омбудсманга хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектлари ва фермерлар ҳўқуқларини ҳўмия қилишни таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратишни таклиф этишди.

Депутатлар иқтисодийнинг реал сектори вакиллари ҳўқуқларини ҳўмия қилиш соҳасидаги қўнун ҳўжатларининг ижро этилиши аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш учун долзарб масала эканлигини ҳисобга олиш, ушбу масалани тез-тез ўрганиш ва мониторингини ўтказиб туриш заруратини таъкидлаб ўтдилар.

Фракция аъзолари, шунингдек, парламент кўмиталари билан мансабдор шахсларни ва услубларини тақомиллаштириш, тегишли ахборотни мунтазам равишда алмашишни йўлга қўйиш бўйича таклифлар киритдилар. Ҳўқуқий таълимни яхшилаш, жамиятда ҳўқуқий билимларни мустаҳкамлаш бўйича тушунтириш тадбирларини мунтазам асосда ўтказиш муҳимдир.

Ўзбекистон «Миллий тикла-

ниш» демократик партияси фракциясида сўзга чиққанлар Сайёловди платформаси мақсадларидан ва партия электорати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, қўнун ҳўжатларини ва умуман, қўнун ижодкорлиги жараёнини янада тақомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида кўмиталарнинг назорат-таҳлил фаолиятида Омбудсман янада фаол қатнашиши кераклигини қайд этидилар.

Бунда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қўнунлари билан қаролатилган ҳўқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларини ҳўмия қилишга қаратилган ишларни қўчайтириш зарурати таъкидлаб ўтилди.

Фракция аъзолари, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳўқуқларини, миллий хўнармандчиликни, оилавий тадбиркорликни, оналик ва боалиқни ҳўмия қилиш, Омбудсман ҳўудий вакиллари фаолиятининг очқилиги ва шаффофлигини таъминлаш юзасидан Омбудсман фаолиятини янада қўчайтириш борасида фикр билдирдилар. Ушбу вазифаларни бажаришда Инсон ҳўқуқлари бўйича вакилнинг маҳаллий давлат ҳўкимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини қўчайтириш зарур эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари давлат ва жамият томонидан ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган аҳолининг барча қатлами, шу жумладан, пенсионерлар ва ногиронлар, шунингдек,

уларнинг ижтимоий ҳўмияси билан шуғулланувчи бюджет ташкилотлари ходимлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини ҳўмия қилишда фаол иштирок этишини ўзларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблашларини баён этидилар.

Бу борада ўтган даврда фуқаролар ҳўқуқларини ҳўмия қилиш бўйича муҳим демократик институтга айланган Инсон ҳўқуқлари бўйича вакилнинг фаолияти долзарб аҳамият касб этади. Фуқароларнинг конституциявий ҳўқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларини ҳўмия қилишни таъминлаш мақсадида давлат ҳўкимияти органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини қўчайтириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисида Инсон ҳўқуқлари бўйича вакил ва унинг ҳўудий вакиллари номига келиб тушган фуқароларнинг мурожаатлари таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Фуқароларнинг ҳўқуқлари, эркинликларини таъминлаш устидан таъсирчан назоратни амалга ошириш, уларнинг бузилиши эҳтимоли сабабларини аниқлаш бўйича яқин ҳамкорлик қилиш депутатлар, сўйсий партиялар фракцияларининг келгусидаги қўнун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси вакиллари ўз Сайёловди дастурларидан келиб чиққан ҳолда, давлат фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳўқуқларини ҳўмия қилишнинг ишончли қаролиги бўлиши кераклигини таъкидлаб ўтдилар. Биринчи навбатда, ижтимоий адолатни

таъминлаш, ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, малакали тиббий хизмат ва таълим олишга бўлган ҳўқуқини амалга ошириш, қўлай турмуш шароитларини яратиш бўйича ишларни янада тақомиллаштириш зарур.

Шу билан бирга, фракция вакиллари ҳисобот йилида келиб тушган тақрорий мурожаатларнинг сонига эътибор қаратдилар. Шу сабабли Омбудсманга давлат органлари ва бошқа органлар билан икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш орқали шу қаби мурожаатларнинг сонини қисқартиришга эришиш таклиф этилди. Бу давлат тузилмалари фаолиятининг очқилиги, шаффофлиги ва самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари фуқароларнинг экологик ҳўқуқларини ҳўмия қилиш масалаларига Омбудсман эътиборини қўчайтиришни юзасидан фикр билдирдилар.

Хусусан, улар Ўзбекистоннинг ноқўлай экологик ҳўудларига аҳолининг соғлигини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қўнун ҳўжатларига риоя этилиши мониторингини кўпроқ ўтказишни, Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан ўтказилган табиатни муҳофаза қилишга доир тадбирларда қатнашиши тавсия этидилар.

Ҳар томонлама муҳокама қилиш давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳўқуқлари бўйича вакилнинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи маъқулладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси ўзининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси Ахборот хизмати.

КИЧИК БИЗНЕС ВА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Урганч туманидаги сўтчи қайта ишлашга иштирок этган “Тилло домор” хўсусий корхонаси ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган, ўз фаолиятини тобора кенгайтириб бораётган илгор ишлаб чиқариш субъектларидан бирidir. 2009 йилда 10 нафар ходим билан иш бошлаган ушбу корхонада ҳозирги кунга келиб, 68 нафар киши меҳнат қилапти. Шу билан бир-

га, 9 нафар касаначи шартнома асосида ишга жалб қилинган. Улар томонидан тайёрланаётган пишлоқ, қаймоқ, сметана, творог каби 20 турдан зиёд сўт маҳсулотлари аҳоли дастурхони файзига файз қўшмоқда.

Айтиши жоизки, илгор ускуна ва дастгоҳлар — сифат ҳамда самарадорлик омилли. Буни яхши англаган корхона мутасаддилари модернизациялаш ишларига алоҳида эътибор қаратаётган. Хусусан,

кейинги уч йил давомида бу ерда лойиҳа қиймати 1 миллион АҚШ долларлик техник ва технологик янгилаштирилган олиб борилган туфаили қувватлар 2,5 баробар оширилди. Ўз навбатида, бир кеча-кундузда 5 тонна сўтчи қайта ишлаш имконияти яратилиб, Голландия технологияси асосида 15 хилдан ортиқ пишлоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Маҳсулотларимиз сифати хорижиникидан асло қолишмайди, — дейди

корхона раҳбари Умарбек Шарипов. — Бу эса харидорларимиз сафи кенгайишига хизмат қилапти. Истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Ташкент шаҳрида ҳам филиалимизни очдик. Республикаимизнинг барча вилоятида савдо агентларимиз фаолият олиб борапти.

Ўтган даврда миқозларимиз ишончини тўла оқлаб, доимий ҳамкорларимизга эга бўлдик. Шунингдек, халқаро ярмаркаларда ҳам фаол қатнашиб, ташиқ бозорга чиқиш чораларини кўраямиз.

Ҳақиқатан ҳам, сифат — корхона кўзгуси. Изланиш ва интилиш эса муваффақиятлар гаровидир. “Тилло домор” жамоаси мазкур мезонлар асосида ишни самарали ташкил этиш пайдидан бўлаётган. Шу мақсадда 40 дан зиёд фермер хўжаликлари билан хом ашё етказиб бериш юзасидан шартномалар имзоланган. Ўтган йили корхонада 9 миллиард сўмликка яқин маҳсулот тайёрланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич янада ошириш режалаштирилган.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шомурат ШАРАПОВ оилан суратлар.



Шомурат ШАРАПОВ оилан суратлар.

ри таъкидлаганидек, спорт — бу, аввало, соғлом авлод, соғлом келажақ дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюқ ишларга қодир бўлади.

Ўз навбатида, мамлакатда болалар спортини ривожлантириш, ёшлар, айниқса, қизларни жисмоний тарбия ва спортга янада кенг жалб этиш, сўзиз ҳавзаларида улар учун қўлай шароит яратиш

Баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омили

Баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омили

нидан қўллаб-қувватлашнинг илгор механизмларини яратиш, мутахассислар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантириш, миллий спорт турлари ҳамда халқ ўйналарини ривожлантиришга қаратилган нормаларнинг белгилангани муҳим аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозим, жамиятимизда соҳага қаратилган юксак эътибор натижасида бугунги кунда оилаларда соғлом турмуш тарзи кенг қарор топиб, сурункали касалликларга чалинган болалар сони кескин камайди, ўғил ва қиз болаларнинг ўртача бўйи ҳамда вазни ошмоқда. Айниқса, ҳарбий хизматга қаҳирланган ёшлар орасида хизматга лойик, деб топилаётганлар сезиларли даражада ортиб бораётган.

Болалар спортини ривожлантириш, шу орқали ўғил-қизларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган бундай тизимнинг йўлга қўйилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Буни фарзандларини турли спорт тўғарақларига етаклаб келаётган ота-оналар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ушбу эзу мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни изчил давом эттириш айнаи чоғда ҳаётин заруратдир.

Зеро, давлатимиз раҳба-

нинг сайёхлик инфратузилмаси шитоб билан ривожланиб бормоқда, — деди у. — Барча қўлайликка эга бўлган замонавий меҳмонхоналар қуриллаётгани, хизмат кўрсатишнинг юксалиши, аэропорт ва темир йўл вокзалларининг модернизация қилингани фикримни тасдиқлайди. Юртингизга ташриф буораётган меҳмонлар унутилмас таасуротлар билан қайтишапти. Республикада экотуризм, тиббий ва маданий сайёхлик, альпинизм ҳамда рафтинг сингари янги йўналишлар тобора раванак топётгани ҳам дунё туристларининг меҳрини қозонмоқда.

«Ҳаёт» АА. Тожию

Абадулло ҲАМИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатаси депутаты.

ЖАХОН **24** **СОАТ ИЧИДА**

Даниянинг "Moller-Maersk" транспорт-энергетика компанияси ўтган йилнинг сўнгги чорагида 2,5 миллиард доллар зиён кўрди.

Кўнгилдагидек эмас



Ҳолат бунда асосий омил бўлди. Қолаверса, жаҳон иқтисодийотидаги бекарорлик туфайли контейнер ташиш бозоридаги вазият ёмонлашган. Оқибатда компания 2015 йилда қўтилганидек 3,4 миллиард доллар эмас, балки 3,1 миллиард доллар фойда кўрди.

Унинг нефть қазиб олиш билан шуғулланидиган бўлини маси фаолиятидаги салбий

Акциядорлар огоҳлантирилди

Франциянинг "Sanofi" фармацевтика концерни акциядорларини дивидендлар ошмаслиги мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди.



Чунки ўтган йилнинг тўртинчи чорагида унинг маҳсулотлари савдоси 1,6 фоиз пасайиб, 9,3 миллиард еврога қашди.

Бунда компаниянинг асосий фойда манбаи — қандли диабетга қарши препаратлар ишлаб чиқарувчи бўлини маси фаолиятидаги муваффақиятсизлик ҳал қилувчи роль ўйнади. Гап шундаки, "Lantus" инсулинидан келиб тушадиган даромад 12,6 фоиз озайган. Мазкур ҳолат 2018 йилгача давом этиши мумкин.

Истеъмол ҳажми бўйича тахмин

Халқаро энергетика агентлиги дунё бўйича нефть истеъмолига оид прогнозини пасайтирди.



кил этишини билдирмоқда. Мазкур кўрсаткич январь ойидаги тахминга нисбатан 100 минг баррелга кам. Ваҳолонки, ўтган йили углеводород хом ашёсига бўлган талаб охириги беш йилда рекорд даража — 1,6 миллион баррелга етганди.

Ташкилот жорий йилда "қора олтин"га бўлган бир кунлик эҳтиёж 1,17 миллион баррелни таш-

Иш ўринлари қисқартирилади

Германиянинг "Daimler" концерни Шимоллий Каролина штати (АҚШ)даги иккита заводидан 1250 нафар ходимини ишдан бўшатади.



У ерда юк машиналари ишлаб чиқарилади. Бу ҳақда "МаркетВотч" ахборот манбаси хабар тарқатди. Боиси компания маҳсулотларига бўлган талаб кўнгилдагидек эмас. Хусусан, океанортда ян-

варь ойида ушбу бренд остидаги катта автоуловлар учун буюртмалар 50 фоиз қисқариб, 18,2 минг донани ташкил этган. Ўз навбатида, юк транспорти воситаларини ишлаб чиқариш 10-20 фоиз камайиши тахмин қилинмоқда.

Универсал пулт

Япониянинг "Sony" компанияси томонидан янги технология асосида масофадан бошқариладиган универсал пулт яратилди.



экранга нисбатан кам энергия талаб қиладиган электрон сиёҳ билан ишлайди. Мазкур қурилма ёрдамида телевизор, аудиотизимлар, кондиционерлар, ёриткичларни бошқариш мумкин.

Мукофотлар топширилди

Швеция пойтахти Стокгольм шаҳрида мода индустрияси соҳасидаги нуфузли "Global Change Award" мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Унинг ташкилотчиси мамлакатнинг кийим-кечак савдоси билан шуғулланадиган "H&M Consumer Foundation" компаниясидир.

Биринчи ўрин пахта чикитларини янги хом ашёга айлантириш бўйича самарали изланишлар олиб борган Финляндия жамоасига берилди. Шунингдек, цитрус шарбатлари сановатида инновацион тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш, полиэстер (синтетик мато) чикитларини қайта ишлашда микроблардан фойдаланиш технологиясини яратиш каби лойиҳалар муаллифлари рағбатлантирилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Мамлакатимизнинг илмий-техникавий салоҳияти йилдан-йилга юқсалиб бормоқда. Жумладан, автомобил-созлик, электроника соҳаларида қўлга киритилган ютуқлар, айниқса, диққатга сазовордир. Бунда соҳа мутахассислари билан бир қаторда, замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаган ишчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ана шундай малакали кадрлар етказиб беришда Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш марказининг ҳам аҳамияти катта бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Касб-хунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ фаолият бошлаган ушбу муассаса кенг имкониятлари билан мамлакатимиз касбий таълим тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, дейиш мумкин. Негаки, 2012 йилдан буён ҳозирги кунга қадар бу ерда юртимиздаги етакчи корхоналар, ишлаб чиқариш субъектлари учун 1800 нафар малакали мутахассис тайёрланди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотларига кўра, ташкилот ва муассасалар буюртмасига асосан, ҳар йили туман, шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан ишсиз ёшлар замонавий касбларга қайта ўқитилади. Бунинг учун базавий касб-хунар коллежлари ва ишсизларни касбга тайёрлаш марказлари имкониятларидан фойдаланилмоқда. Мазкур марказ айнан ушбу мақсадларга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

Марказ энг замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, ускуна ва дастгоҳлар, ўқув қуроллари

Малакали мутахассис — давр талаби



ҳамда қўлланмалар билан таъминланган бўлиб, вилоятлардан келганлар учун юз ўринли ётоқхона ҳам мавжуд. Бу ерда ҳар йили ишсизлар орасидан 360 нафар қобилиятли ёшлар танлаб

олиниб, машинасозлик, электроника, электроника, ахборот технологиялари, автомобилларга хизмат кўрсатиш йўналишларида малакали ишчи-мутахассислар тайёрланади. Муассасага истиқболли лойиҳа асосида KOICA ташкилоти томонидан Кўёш энергияси асосида ишловчи миниэлектр станцияси ўрнатилди. Ушбу мосламанинг афзаллиги шундаки, у ўқув курси хонаси ва лабораториясини

мутахассисликлар бўйича корхона билан тузилган шартнома асосида қисқа муддатли пулли ўқитишлар ҳам ташкиллаштирилган. Муассасамизда ўтказиладиган "Очк эшиклар куни", "Буш иш ўринлари ярмаркаси" сингари тадбирлар эса мутахассисларимизга иш жойи танлаш имконини берса, иш бериувчилар учун кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплашда муҳим аҳамият касб этади.

бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш борасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Корея Республикасида ишлаш истагидаги ёшлар учун ҳам махсус ўқув курслари мавжуд. Биргина 2015 йилнинг ўзида ана шу давлатга ишга юборилган ёшлардан 600 нафари марказда махсус ишлаб чиқилган ўқув дастури ва режалари асосида техника, ёнғин хавфсизлиги ҳамда меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитилди. Бундан ташқари, вақтинчалик иш билан банд бўлмаган фуқаролар ҳамда Тошкент шаҳрида, вилоятларда жойлашган сановат корхоналарининг буюртмалари асосида меҳнат бозорида юқори талабга эга бўлган касблар ва мутахассисликлар бўйича ҳам қисқа муддатли курслар ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар 300 нафар ёш махсус дастур асосида касб-хунарга эгаллади.

Яна бир эътиборли томони шундаки, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталаримиздан ўн нафари Жанубий Кореянинг турдош марказларидаги ўқув жараёнлари билан танишиб, малака ошириб қайтишди. Марказимизнинг бошқа касбий таълим муассасаларидан фарқи шундаки, бу ерда ўқув дастури ва жараёни ўзига хос бўлиб, ўқинишнинг 30-35 фоизи назарий ва 65-70 фоизи амалий маълумотлардан иборат. Шунингдек, ўн ойга мўлжалланган курснинг сўнгги тўрт ойи бевосита иш жойи, яъни корхонада ўтказилади.

Бугунги кунда марказимизга юртимизнинг юздан зиёд етакчи корхоналаридан ишчи-мутахассислар учун буюртмалар келиб тушган. Бу эса, ўз навбатида, касб эгаллаётган бўлажак мутахассисларнинг танлаган соҳаси бўйича ишга жойлашиши кафолатланади, деганидир.

Раҳман ИБРАГИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Тошкент шаҳридаги Касб-хунарга ўқитиш маркази директори.

ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

XALQ BANKI **Акциядорлик тижорат Халқ банки**

«Omad lotto» лотереяси ўйини учун 2 та лототрон қурилмаси ҳамда унинг бутловчи қисмларини харид қилиш бўйича танлов муддати узайтирилганлигини билдиради.

Тендер савдоларида хорижий фирма ва ташкилотлар, маҳаллий етказиб берувчилар, тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, тақлиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб берувчилар қатнашишлари мумкин.

1. Тендер комиссияси ишчи органи манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (+99871) 120-17-24, 120-17-49.
www.xb.uz E-mail: marketing@xb.uz

2. Тендер савдоси предмети — 2 та лототрон қурилмаси ҳамда унинг бутловчи қисмларини етказиб бериш.

3. Тўлов шакли — аккредитив.

4. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.

5. Тижорат тақлифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 4 март куни Тошкент вақти билан соат 17.00 га қадар қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган.

«REAL AUKSION» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани СИБ томонидан 2015 йил 20 майдаги 10497/3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Кўшарик кўчасида жойлашган, «JHD 1.5-2.0» русумли пиво қиначисини қайта ишлаш ва пиво қуруқ ачитқиси (дрожжиси) ишлаб чиқариш асбоб-ускунасини кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 73 000 АҚШ доллари.

Тўлов реализация қилиш куниндаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмда амалга оширилади.

Аукцион савдоси 2016 йил 17 март куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2016 йил 15 март куни соат 16.00. Талабгорлар аукцион савдосига қўйилган мулк билан тегишли туман суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини (закалат пули тўлов тўланадиган кундаги АҚШ долларининг сўмга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича сўмда амалга оширилади) тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Real aukcion» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки Миробод филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800010499660001, МФО: 01101, СТИР: 302370235.

Гувоҳнома № 006795.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Махмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (0-371) 254-69-13.

«KOSHTAS MULK SAVDO KIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бериш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Аукцион савдосида қатнашиш тижорат Халқ банки Тошкент шаҳар филиалининг 2016 йил 11 февралдаги 125-сонли буюртманомаси ва Акциядорлик тижорат Халқ банкнинг 2014 йил 11 декабрдаги 131/1-сонли бошқарув қарорига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бунёдкор шоҳқўчаси, 6-«А» уйда жойлашган, ер майдони 910 кв.м. бўлган 9 қаватли бинонинг 1-қавати бир қисми кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 4 849 413 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 март куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2016 йил 23 март куни соат 18.00. Юқоридаги кўчмас мулк 2016 йил 25 март куни сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2016 йил 11, 27 апрель ва 12, 27 май кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охириги муддати: 2016 йил 11 апрелдаги савдо учун — 8 апрель, 27 апрелдаги савдо учун — 25 апрель, 12 майдаги савдо учун — 10 май, 27 майдаги савдо учун — 25 май кунлари соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан бирга куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- * юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- * жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, шунингдек, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;
- * аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукцион савдоси солиби 5 (беш) банк иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш ва шартнома тузган кундан бошлаб 60 (олтмиш) кун муддат ичида мулк учун тўловларни тўлиқ амалга ошириш мажбурияти юқлатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Koshtas Mulk Savdo Kizmati» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги МФО: 01036, СТИР: 207122519, 20208000904920609114 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: (0-371) 228-80-23. www.1kms.uz
Электрон почта: rieltavdo@inbox.uz

Лицензия RR-0001.

«КВАРЦ» АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, танлов асосида маркетинг, истиқболли ривожлантириш ва инвестиция бўйича директор лавозимига хорижий менежерларни тақлиф қилади.

Ойлик иш ҳақи шартнома асосида белгиланади, транспорт ва ётоқхона билан таъминланади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 150900, Фарғона вилояти, Куvasay шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 2-«А» уй.
Мурожаат учун телефон: (0-373) 373-27-64.
Факс: (0-373) 373-37-14.
Веб-сайт: www.kvarts.uz
E-mail: kvartznew@mail.ru

ANNOUNCEMENT

Pursuant to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 24, 2015 № 4720 «On measures on introduction of modern methods of corporate governance in joint stock companies», JSC «Quartz» announces the recruitment of foreign managers for the position of Director for marketing, investments and perspective development on the basis of competitive selection.

Salary is determined on the basis of the contract, the successful candidate will be provided with accommodation and transport.

Address: Republic of Uzbekistan, Fergana region, Kuvasay town, Str. Mustaqillik 2A, post code: 150900
Tel: 0(373) 373-27-64, Fax: 0(373) 373-37-14, website www.kvarts.uz
e-mail: kvartznew@mail.ru

Тошкент давлат иқтисодий университетининг ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Макроиктисодий кафедраси профессори Дилором Ортиқовага онаси

МАСУДА янинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 238-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

ЭТИРОФ

Гўзал диёримиз бўйлаб саёҳат йўналишларига қизиқиш Европа мамлакатлари, хусусан, Францияда ҳам тобора кенгайиб бормоқда. "Кўҳна қитъа"лик соҳа мутахассислари бу борада фикр билдиришасан. Жумладан, Франциядаги турсоператорларнинг хулосасига кўра, ушбу давлатдан Ўзбекистонга ташриф буюраётган туристлар сони ошириб бораётир.



Ўзбекистон истиқболли ва барқарор сайёҳлик маркази сифатида таништирилди

"Eastpak" сайёҳлик компанияси (Франция) директори Серж Урамек юртимизнинг истиқболли туризм йўналишлари Францияда бундан кейин янада оммалашади, деб ҳисоблайди. Унинг айтишича, французлар маданий ва билим орттиришга йўналтирилган зиёратларни маъқул кўришади.

— Ўзбекистоннинг турли давр ҳамда цивилизацияларга оид 7000 дан зиёд ёдгорликларга эга экани ва уларнинг кўпчилиги ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхати-

дан жой олгани соҳа тараққиётида муҳим омилдир, — деди у. — Улар Буюк Ипак йўли билан боғлиқ кўп асрлик тарих ҳамда маданиятни ўзида муржажасам этган. Қолаверса, францияликларни бу юрдаги тарихий қадамжоларгина эмас, балки ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, миллий таомлари, аёна ва урф-одатлари, байрамлари ўзига жалб қилаётир.

Шуни таъкидлашни истардимки, 2015 йил октябрь ойида жабҳадаги агентликлар раҳбарлари ва "SNAV" Франция турсоператорлари бирлашмаси

минтақавий идоралари раисларининг мазкур диёрда қилган сафари яқунлари бўйича Шимолӣ Нормандия, Бургундия, Рона-Альп худудларида семинар ҳамда тақдирот маросимлари ўтказилди. Уларда Ўзбекистон истиқболли ва барқарор сайёҳлик маркази сифатида таништирилди.

Сафар иштирокчиларининг барчаси мамлакатингиздан ажойиб ва унутилмас таассуротлар билан қайтишди.

Олдинда турган мавсумда Ўзбекистонга борадиган сайёҳларимиз сони 20 фоиз

ўсиши кутилмоқда. Компаниямиз идораси Лионда, "Euronews" қароргоҳидан унча узоқ бўлмаган худудда жойлашган. "Кўҳна қитъа"нинг етакчи телеканалда Марказий Осиё жаҳоирининг туризм саноатининг тарихи, маданияти, аёналарига доир қизиқарли кўрсатувлар намойиш этилаётганидан беҳад мамнунмиз.

Ана шундай омиллар боис Ўзбекистон бетақдор туризм йўналиши сифатида Европада борган сари оммалашмоқда.

«Жаҳон» АА.
Париж

Ташаббус, тажриба, самара

Бешарикда қўлигул, захматкаш деҳқону богбонлар, чорвадорлар кўп. Улар ўз меҳнати, омилкорлиги билан донг таратган. Бир пайтлар фақат пахта режаси ортидан қувиб, умрини далада ўтказган одамлар истиқлол туфайли тажриба ва имкониятларини бошқа соҳалар, хусусан, богдорчиликнинг янги тармоқларида ҳам синаб кўришмоқда. Аслида-ку, соҳибкорлик — бешарикликларга отамерос касб. Бироқ биз сўз юритмоқчи бўлган жабҳа бир оз ноанъанавий. Яъни туман миришкорлари шу пайтгача Фарғона водийси иқлими ва табиий шароитига мутлақо мос келмайди деб келинган янги бир тармок — пистачиликка асос солдилар.

— 2002 йили мазкур усулда ундирилган 3000 туп кўчатни ерга қададик, — дейди Кўкун давлат ўрмон хўжалиги Асад бўлими ўрмонбегиси Акрамжон Ғойипов. — Шу тариқа 35 гектар майдонда "Қора марварид", "Серхосил" ҳамда "Зорко" навлари парваришига киришилди.

— Албатта, дашт ерлар ёзда тез чанқайди, — суҳбатга қўшилади Шоберди ўрмончилик бўлими мутахассиси Эргашали Жулиев. — Шу боис уларни мавсум давомида 5-6 марта суғоришга тўғри келади. Айни пайтда 40 гектарлик пистазоримиз мавжуд. Изланишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, бу турдаги дарахтлар ўзи ўсиб, ўзи ҳосил бераверади, деганлар янглишадилар. Негаки, у ҳам парваришга, меҳрга муҳтож.

Орадан ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Бултур Кўкун давлат ўрмон хўжалигида ўстирилган писта дарахтлари ҳосилга кирди.

— Яқин йилларда богимиз янада кенгайди, — дейди М. Хўжаев. — Чунки халқимиз дастурхонидан бу неъматнинг алоҳида ўрни бор. Пистазорларимиз тўлиқ ҳосил бера бошлагач, ички эҳтиёж таъминланади. Бундан ташқари, озиқ-овқат ва бошқа саноат тармоқларида пистага бўлган талаб қопланади. Бинобарин, истиқболда бу маҳсулотни экспортга чиқаришни ҳам мақсад қилганмиз.

Асад ва Шоберди даштларида пайдо бўлган дастлабки пистазорлар нафақат Фарғона водийси, балки республикамизнинг бошқа худудларида ҳам ана шундай боглар яратилишига туртки беради. Зеро, эзгулик эзгуликдан куч олиши асрлар синовидан ўтган ҳақиқатдир.

Алишер ИБОДИНОВ,
ёзувчи.

ИЗЛАНИШ

Айтиш керакки, водийда янгиликка интилувчан кишилар томонидан богдорчиликнинг биз учун нотаниш соҳаларига кўл уриш тажрибаси маълум эди. Хатто бу ерда фақат тропик иқлимда ўсадиган турли мевалардан мўл ҳосил олинаётганини яхши биламиз. Бироқ катта майдонларда пистазорлар барпо этиш, яъни уларни саноат усулида етиштиришга доир истиқболли лойиҳалар эндигина рўёбга чиқарилмоқда.

"Муваффақият ташаббусдан бошланади", дейишгани рост. Кўкун давлат ўрмон хўжалиги раҳбари, узоқ йиллар богдорчилик соҳасида катта тажриба тўплаган Мансур Хўжаевнинг қўлига XV асрга оид кўҳна қўлёзма тушиб қолади. Унда қизиқарли факт — Мирзо Бобур Самарқанддан Фарғонага қайтаётган маҳали Исфара яқинида қийғос гуллаган пистазорга ҳавас билан қарагани баён этилган. Буни ўқиган тажрибали богдорнинг хаёлидан наҳотки ўша даврларда Исфарада писта етиштирилган бўлса, деган ўй кечади. Чунки ушбу қадимий манзил шундоқ Бешарикнинг ёнида жойлашган-да. Ана шу омил туфайли миришкор бу масалага қизиқиб қолади.

Тўғри, пистачилик улкамизда қадимдан сердаромад соҳа ҳисобланган. Самарқанд,

Сурхондарё вилоятлари ҳамда Фарғона водийсининг тоғли худудларида ҳозир ҳам ушбу ўсимлик парваришланади. Қолаверса, АКШ ва дунёнинг бошқа кўплаб мамлакатларида писта экспорти ортидан катта даромад олинаётгани сир эмас.

Мансур Хўжаев бу борадаги маълумотлар билан жамоасини таништирди. Кўпни кўрган омилкорлар билан маслаҳатлашди. Аммо жавоб кутилгандек бўлмади. Мутахассислар ҳам "Бу даштлардаги тупрок шароити писта етиштириш талабларига жавоб бермайди", деб хулоса беришди. Шунга қарамай, Бешарик ўрмончилари синов тариқасида Шоберди, Асад даштларига уруғ сочишди. Аммо олимларнинг фикрида жон бор эканми, дастлабки икки йилда униб чиққан ниҳолларнинг ривожини сусти бўлди. Лекин соҳибкорлар бўш келишмади. Мансур ака пистачилик ривожланган давлатлардан бирига бориб, у ердаги тажрибани ўрганиб қайтди. Маълум бўлишича, пистани аввал алоҳида ҳолда ундириб, кўчат даражасига етгачгина, тошлоқ ерларга ўтказиш яхши самара беради. Бунинг учун қоғоз туваклардан фойдаланиш мумкин. Келаси йилда эса ўзини тутиб олган ниҳолга серхосил писта нави пайвандланиб, очик майдонга экилади.

Ёшлар учун спорт мактаби

ФАМХҲҮРЛИК

Ғиждувон спорт мактаби биноси замонавий қиёфага эга бўлди. Бунёдкорлик ишларини худуддаги "47-қўчма механизациялашган жамланма" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари амалга оширди.

Эътиборга молик жиҳати, ёшлар учун усти ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳам барпо қилинди. Салкам 200 томошабин ўрнига эга мазкур иншоотда йирик мусобақаларни ўтказиш учун барча қулайлик

яратилган. Қурилиш-реконструкция юмушлари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 4,7 миллиард сўм миқдоридида маблағ ҳисобига амалга оширилди.

Яхлит мажмуа қиёфасини олган мактабда эндиликда 500 нафардан зиёд ўғил-қиз жисмоний машғулотлар билан шугулланмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Хурматли юртдошлар!

«АСАКА» банки

2016 йил мамлакатимизда «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 27 турда ва хорижий валютада 17 турда қулай шартларда омонат турларини тақлиф қилади.

Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	0-371	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	0-371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	0-371	140-39-36
Юнусобод филиали	0-371	221-80-67
Сергели филиали	0-371	257-44-10
Тошкент вилояти филиали	0-371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	0-374	223-60-74
Асака филиали	0-374	233-21-99
«Фарҳод» филиали	0-374	226-96-63
Фарғона вилояти филиали	0-373	244-39-14
Марғилон филиали	0-373	237-62-23
Олтиариқ филиали	0-373	432-19-80
Кўкун филиали	0-373	542-61-01
Наманган вилояти филиали	0-369	227-15-68
Навий вилояти филиали	0-436	770-21-29
Зарафшон филиали	0-436	572-40-14
Бухоро вилояти филиали	0-365	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	0-365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	0-366	233-65-47
«Афросиёб» филиали	0-366	221-71-76
Қашқадарё вилояти филиали	0-375	221-07-41
Сурхондарё вилояти филиали	0-376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	0-361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	0-362	228-14-81
Сирдарё вилояти филиали	0-367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	0-372	226-43-11

ОМОНАТЛАР ҲАМДА ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА
ВА
ЭЪЛОНЛАР

TURON BANK

Барқарорлик белгиси!

Ўзбекистон Республикаси молия бозорида 25 йилдан буён фаолият юритиб келаётган «Туронбанк» акциядорлик тижорат банки «Тошкент» республика фонд биржасида қимматли қоғозлар билан амалга оширилган битимлар сони бўйича 2015 йилнинг энг яхши эмитенти деб эътироф этилди.

www.turonbank.uz
Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 724 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

• **«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30
Тошпирилди — 21.40 1 2 3 4 5 6